



ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚУРИЛИШ ТИЗИМИДА СИНЧКОРЛИК (НИГИРИК) АНЪНАСИ ВА ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

М.М. Исҳоқов

*тариҳ фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат шарқшунослик университети*

I.B. Салаев

*таянч докторант,
Урганч давлат шарқшунослик университети*

Калит сўзлар: Хоразм, синчкорлик, хавон, якка синч, кўш синч.

Аннотация: Мазкур мақола Хоразм меъморчилигига синчкорлик анъанси тадқиқига бағишиланган. Шунингдек, мақолада Хоразм воҳаси қурилиш тизимидағи нигирик анънасининг замонавий тенденциялари ёритилган.

CONCEPTUAL CHANGES IN THE MODERN HISTORIOGRAPHY OF UZBEKISTAN AND THE PROBLEMS OF ITS DEVELOPMENT

M.M.Ishkhakov

*doctor of history, professor,
Tashkent State University of Oriental Studies*

I.B.Salaev

*basic doctoral student,
Urganch State University*

Key words: Khiva, nigiri, havan, single nigiri, double nigirik.

Abstract: This article is devoted to the study of the tradition of scrupulousness in Khorezm architecture. The article also examines the current trends in the nigirik tradition in the Khorezm construction system.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В СОВРЕМЕННОЙ ИСТОРИОГРАФИИ УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕЕ РАЗВИТИЯ

М.М. Исҳаков

*доктор исторических наук, профессор,
Ташкентский государственный университет востоковедения*

И.Б.Салаев

дакторант,

Ургенчский государственный университет

Ключевые слова: Хива,
синч, хаван, одиночный синч,
двойной синч.

Аннотация: Данная статья посвящена изучению традиции скрупулезности в хорезмской архитектуре. В статье также рассматриваются современные тенденции в традиции нигирик в хорезмской системе строительства.

КИРИШ

Ўзбек халқ мөъморчилигининг асосий обьектларидан бири тураржой бинолари қурилиши ҳисобланади. Тураржой қурилиши унинг режа ва тархлари юзага келишидан бошлаб то хонадон кириб яшай бошлагунича турли-туман анъаналар, урф-одат, ирим-сири, расм-русумлар билан боғлиқ кечади. Аҳолининг яшаш муҳити билан боғлиқ турмуш тарзи ва уй хўжалик маданияти, диди ва ҳавас эҳтиёжларини акс эттиради.

Хоразм маҳаллий иморатсозлик анъаналарининг асосий тамойиллари ҳам умумўзбек анъанадлари қаторида ўзига хос хусусиятларни сақлаб келган. Бунда албатта халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъаналари билан бир қаторда маҳаллий иқлим шароитлари, замин билан боғлиқ омилларнинг ўрни ҳам алоҳида. Бугунги кунда қурилишда асосий эътибор халқимизнинг миллий анъаналаридан кўра, замонавий ҳаёт тарзи, янгича маданий-маиший эҳтиёжларга эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат технологик янгиланиш туфайли иморатсозлик анъаналарининг айрим жиҳатлари аста секин “ўтмишга хослик” касб этиб, амлиётдан чиқиб, унутилиш томон юзланмоқда.

Хоразм анъанавий мөъморчилик мактаби ўзига хос ва яхлит ижодий йўналишга эга бўлиб, уй-жойларнинг режавий тузилишига ҳамда шаклига юқорида таъкидланганидек, воҳанинг ўзига хос табиати, иқлими талабларидан келиб чиқиб ёндашилган. Хусусан, воҳа қишиининг кескин совуқлиги, ёз ойларининг ўта қурғоқлиги ва қайноқ иссиқлиги кабилардан ҳимоя сифатида ўтмишда пахса билан бир қаторда асосан синч (нигирик) уйлар қуриш кенг тарқалган. Зеро, қўша синчкорлик деворлар икки қабатли бўлиб, оралиқдаги хавол бўшлиқ бугунги тил билан айтганда ўзига хос кондиционер хизматини ўтаган. Яъни иморат ички харорати мұтадиллигини сақлаган, ташқи хароратнининг ичкарига таъсирини камайтирган. (1-илова). Хоразм шароитида сув тошқинлари хавфи азалдан маълум. Шундай ҳолатларда синчкор уйларнинг қаддига сув таъсир қилмаслиги ҳам муҳим ҳисобланган. Булардан ташқари синчкор уйлар мустаҳкамлиги, камхаржлиги, сейсмик чидамлилиги ва тез қуриб битказилиши каби хусусиятлари билан ҳам алоҳида ажralиб турган.

МУҲОКАМА

1937-1940 йилларда С.П.Толстов раҳбарлигига Хоразм воҳасида олиб борилган археологик-этнографик экспедициясининг тадқиқотлари натижасида Қадимги Хоразмнинг сўнгги жез даври (милоддан аввалги IX-VIII асрлар)га мансуб манзилгоҳидан топилган “Амиробод маданияти” (Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали атрофи) аҳолиси содда турар жойлар бино қилиш қўнималарига эга бўлганлиги аниқланган. Амиробод уйлари аксарият ҳолларда ярим ертўлала ҳамда ер устки қисмлардан иборат бўлган. Иморатларнинг ер усти қисми асосан устун-синчлarda турган. Томи қамиш билан ёпилган. Бундай иморатларни қуриш оғир меҳнат ва кўп вақт талаб қилмаган¹. Хоразм воҳаси шароитида еrosti (сизот) сувлари яқинлиги сабабли қадимдан гужум ва тол дараҳтларини кўпайтириш анъанаси бўлган. Бу дараҳтларнинг илдизлари сизотни ернинг остки қатлимларига тортиб, мелиоратив ҳолани яхшилашдан ташқари кўп

¹ Матяқубов X.X. Хоразмда пахса-ҳом ғишт бинокорлиги усуслари ва мөъморчиликнинг вужудга келиши масаласи. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент: Илмий тўплам, 2019. – Б 197.

миқдорда ёғоч маҳсулоти берган ва иморатсозлик учун бу муҳим ресурс эди. Айниқса гужум ёғочларининг шароитга ҷамлилиги алоҳида ҳисобга олинган.

Синч (нигирик) деворлар иккига яъни, якка синч ва қўш синчларга бўлинади. “Одатда, юк кўттарувчи ташқи деворлар қўшсинч, ички деворлар эса яккасинч қилиб бажарилади”². Якка синч деворларининг қалинлиги 20-30 см, қўш синч деворларининг қалинлиги 40-60 см (турли шаҳарларда ҳар хил), гуваладан ясалган деворлар 75 см гача³.

Тураг жойларнинг ҳовли йўсинаси тархланиши Хива каби гавжум шаҳар шароитида, Хазорис каби шаҳарларнинг тарихий ўзак қисмларида бўш ер танқислиги сабабли қишлоқдаги ҳолат билан қўпинча бир хил эмас. Шаҳарда ҳовли юзасиз асосан долон ва иchanга алоҳида эътибор берилгани ҳолда, қишлоқ тураг жойлар режасида ҳовли юзасида очиқ майдон бўлиши лозим ҳисобланган. Қишлоқларда пахса билан кўтарилиган иморатларда хўжалик ҳовлилари ҳам алоҳида ўрин тутган. Баъзи қўргонларда хўжалик ҳовли асосий майший ҳовли қисимидан ажратилган. Қишлоқ синчкорлигига қўшсинч оралиқларини пахса лойи билан босма усулда тўлдирилгани ҳолда, шаҳар шароитида синчкорликда гувала асосий материал ҳисобланган. Гувала учун тупроқ ёки тайёр лой ташқаридан олиб кирилиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Қишлоқ ҳовли-жой типлари орасида азалий қўрғон иншоотларига хос мудофаа мақсадини кўзлаган аломатлардан хотирадек унсурлар ҳам сақланган. Масалан, қўргоннинг қалин пахса деворларига маълум масофа оралиқларида такрорланувчи буржлар ўрнатиш одати яқин ўтмишгача кенг тарқалган эди. Бу каби иморат унсурининг тарихий функцияси аллақачон эскириган, ҳозир амалда бу каби буржлар шунчаки қадимий қарашларнинг реликти деб баҳоланиши мумкин⁴. Хоразм шаҳарлари тураг-жой биноларининг тузилмалари мураккаб эмас. Айниқса уларда қишлоқ иншоотларидаги каби тарихий рамзий мудофаа аломатларни сақлаш учун имкон ҳам йўқ⁵.

Шаҳарларда ер майдонининг етарли эмаслиги ва шаҳар атрофидан тупроқ ташиб келиш қийин бўлганлиги сабабли нигирик (синчли) ва қўш нигирикли иморатлар қуриш урфга айланган. Синч хоналарнинг кенг, баланд, умуман баҳаво бўлишини таъминлайди. Унда чириган ва шикастланган қисмларини алмаштириш осон бўлган. Бунинг учун иморатнинг таъмир талаб қисмини янгилашда бошқа қисмларининг ўпирилиши эҳтимолининг олдини олиш учун тезлаш усуслидан фойдаланилган. Яъни таъмир талаб жойни бузиб олишдан аввал иморатнинг асосий бутун қисми ичкаридан вақтинча қўшимча устунларга кўтариб қўйилган. Қўшсинч иморат тархи таркибини хоналарга ажратувчи пардеворлар кўндаланг хари билан бирлаштирилган устунларда турган. Иморатнинг ташқи тўрт бурчаги кучли бози устунлар билан мустаҳкамланган. Ўрта устунлар ва тўрт бурчакдаги бозиларни бақувват текис ходадан пойтешалаш усулида чопиб тайёранган хари бирлаштириб турган. Ўрта устунлар ва бозилар тагсинч устига ўрнатилган. Уларнинг оралиқларини биринчи галда қиялама жойлаштириб хари ва бози бирлашган бурчакка тортиладиган хавонлар маҳкам тутиб турган. Хавонлар иморатнинг бирор ёққа оғиб кетишдан сақлаш мақсадида қарама-қарши тиргагичлардир. Тагсинч, бози, хари, хавон ораларини тўлдириш учун синчлар терилади ва шу билан иморатнинг нигирик скелети шаклланади. Иморатнинг шифтига тўсинлар тортилади ва чўпгарлик билан қамиш-бордон босишга тайёранади.

Ховон ва пушталар девор конструкциясини кўндаланг йўналишдаги ер қимирлашига бардошли қиласи. Шунингдек, синч тўлдиригичлари қанча енгил бўлса, иморат шунча зилзила ва бшронларга бардошли бўлади. Синч деворлар асосан гувала ёки хом ғишт билан тўлдирилган. Хом ғишт ва гувала бир жинсли бўлганлиги сабабли лойга

² Ўролов А, Нозилов Д, Фармонов А, Матъязов С. Қишлоқ уйларини режалаштириш ва куриш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.140.

³ Варонина В.Л, Узбекское народное жилище. // Советская этнография, – Москва: 1949, № 2. – С 68.

⁴ Манъковская Л. Хива. – Тошкент: 1982, – Б 19.

⁵ Манъковская Л, Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент: Гафура Гуляма, 1978. – С 50.

яхши ёпишади. Зилзилалар чоғида гувала ва хом ғиштларнинг синчлардан ажралиб тўқилишининг олдини олиш учун девор чокларига қамиш, похол ва шох-шаббалар арматура сифатида кўйилган. Демак, синчкори чўзишиш, эгилиш ва қисилиш, деформацияланиш хусусиятига эга. Воҳа қурувчилари ва аҳоли ўртасида “Нигирик уйнинг қийшайгани қирқ йил туради” деган нақл бекорга айтилган эмас. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ҳалқ меъморчилигига синч девор кенг қўлланилади⁶.

Синч (нигирик) уйлар қурилиши ва унинг афзалликлари тўғрисида Кўшкўпирлик ахборотчи, кўп йиллик тажрибали қурувчи уста Нурметов Хусанбой қуйидагиларни таъкидлади: “Нигирик уйлар асосан ёғочдан бўлган. Тўрт девор тагсинчлари иморат тархининг бурчакларида тутширилгач, тулашган еридан исказа билан тешик ҳосил қилинади. Бу тешикларга иморатнинг бурчак устунлари – бози ўнатилади. Бозилар тагсинчга қиялатиб қоқилган ховонлар билан тик ҳолга келтириб қотирилади. Бозиларнинг учидан чука чиқарилади ва тўрт томон бурчак бозилари хари билан боғланади. Сўнгра ховонлар оралиғи тагсинларга синчлар қоқиб тўлдириади. Синчлар оралиғи гувала ёки хом ғишт билан тўлдирилади. Бу ҳолатда иморатнинг деворлари шаклланади. Бундан кейинги иш тўсин (боловор) солиш, тоқи териш, қамиш бордон билан ёпиш ва, ниҳоят, хашар йўли билан сомонлой қора сувоқ босилади. Бундай уйлар зилзила пайтида бир тарафга қараб қийшайса ёки қимирласа ҳам йиқилмаган. Чунки бир-бирига ўйиб киргизилган ёғочлар мустаҳкам бўлиб, уйнинг йиқилишини олдини олган. Шу сабабли нигирик уйлар “эгилувчан”, “букилувчан”, “қайишувчан уй” деб аталиб, бу типдаги уйлар тез қуриб битирилган. Нигирик уйларнинг девори сомонлой билан сувалади. Сомон деворни ёрилишда сақлайди. Бундай уйлар ёзда салқин, қишида иссиқни яхши сақлайди. Нигирик уйда асосий бош уста уйнинг скелетини ясад беради, қолганлар ғишт ва гувала териш, суваш ишларини қилаверади⁷”.

Хоразм воҳасида қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталарнинг кўпчилиги бир неча касб эгалари бўлишган: ёғоч ишларни бажаришган, ғишт терганлар, пахса урганлар, сувоқчилик, гумбазчилик, синч (нигирик) уй қуриш, ганчкорлик ва бошқаларни пухта билишган⁸.

Мавзу доирасидаги изланишлар мобайнида Республиканинг бошқа вилоятларидағи синч уйларнинг қурилишига ҳам эътибор қаратилди. Фарғона уйларининг конструкциясими ўрганадиган бўлсақ, деворнинг қалинлиги 60-70 см ташкил қилиб, иссиқлик йўқолишининг олдини олади. Девор қалинлигига қараб хона деворларига чукур токчалар қилинган. Бу эса ўз навбатида хонадан унумли фойдаланиш ва хона интеръерида безак сифатида фойдаланишган. Водий сейсмик зонада жойлашганлиги учун айрим туар-жойларнинг девор қалинлиги 90 см гача етади.

Хива уйлари Фарғона уйларидан кескин фарқ қиласи. Хива уйларининг конструктив асосини нигирик девор ташкил этади. Сабаби бу ҳудудда намгарчилик кам ва ер қимирлаши 4 баллдан ошмаслигини инобатга олиб, шаҳар типидаги уй девор қалинлиги 25-30 см ташкил этиб, енгил бир (якка) синчли қилиб қурилади. Девор конструкцияси хона интеръерига таъсир қўрсатади, сабаби девор енгил ва қалин бўлмагани сабабли Хива туар уй хона деворида Фарғона уйларига ўхшаш хона деворларига чукур токчалар қилиш имконияти йўқ⁹.

Тошкент ҳудудидаги уйларда яшаш хонасининг 4 та девори-икки қатор каркас (синч)дан иборат бўлади, лекин фарғоналикларники билан беллаша олмайди (40-60 см):

⁶Ўролов А, Нозилов Д, Фармонов А, Матъязов С. Қишлоқ уйларини режалаштириш ва қуриш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994, – Б 23.

⁷ Дала ёзувлари. Кўшкўпирлик ахборотчи Х.Нурметов маълумотлари (аудиоёзувлар асосида).

⁸ Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. – Тошкент: Ўзбекистон. 2012, – Б 226.

⁹ Матчонов Б.Г. Ўзбекистон туар-жой қурилиш анъаналари. Архитектура, қурилиш, дизайн илмий-амалий журнали. 1-2/2017. – Б 24.

Шахрисабзда уйнинг 3 та девори қалин (тахминан 40 см) бўлиб, бир қаторли каркас (синч)дан иборатдир. Бухоро уйларида эса бундай деворлар одатда биттга¹⁰.

Архитектор Т.С.Страмцованинг изланиши ва ҳисобига қараганда пахса уйлардан кўра нигирик уйларда унумли майдон 30-35% ташкил этади¹¹. Мабодо бино баландлиги синч устунларнинг узунлигидан (бадавлат хонадон уйларида меҳмонхоналари учун зарур бўлган) ошиб кетса, бу ҳолда ёғочларнинг ёнида қўйилган боғламларнинг охирги тепа қисми кучайтирилган¹². (2-илова)

1936 йилда Бутуниттифоқ меъморчилик академиясининг топшириғи билан Хивада тадқиқот ишларини олиб борган Л.И.Ремпель шаҳарнинг меъморчилик ёдгорликларини шундай таърифлаган эди: “Хива ўзининг гўзал қурилиши бўйича диний меъморчилик ёдгорликлари билан эмас, балки сарой меъморчилиги билан машхурдир. Сарой архитектураси ўзининг келиб чиқишида қадимги халқ қурилиши бўлмиш ёғоч ёки чўпкар архитектураси билан машхур¹³”.

Хонликда боғлар барпо қилинишининг бир неча асосий зарурияти бор эди. Энг аввало боғ киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг соғлигини мустаҳкамлаган. Ёз фаслида боғ ичидаги ҳовуз салқин микроиклим ҳосил қилиб, атрофига экилган сояли мевали дарахтлар ва чиройли гуллар киши кўнглини яйратган. Мевали дарахтлардан олинган ҳосил дастурхонни тўкин қилган. Шунинг учун ҳам хиваликлар уй қурса, албатта унинг ичидаги катта меҳмонхонаси, ёз фасли учун олди шимолга қараган айвони бўлган. Бадавлатроқ одамлар айвон олдида катта ҳовуз қилган. Буларнинг ҳаммаси уй микроиклим шароитини максимал фойдали ҳолга келтириб турган¹⁴.

1317/1899-1900 йили Муҳаммад Раҳим II Муҳаммад Ниёз девонга Тозабоғ ҳовлисидаги эски иморатларни буздириб, ўрнига тошдан ҳовли қурдиришга буюрган. Баёнийнинг ёзишича, мазкур ҳовли 1321/1903-1904 йили куриб битирилган. Унга кўра: “Ҳижратнинг минг уч юз йигирма бирланчиси, товушқон йилида Муҳаммад Ниёз маҳдум девон Тозабоғ ҳовлисининг биносини итмолга еткурди. Ҳовлиният атроф девори тошдин бўлиб, ичи чўбакри бўлмиш эрди. Фақир анинг авсофи ва тарихини бу тариқа айтдим¹⁵”.

Хива туманининг Саёт қишлоғида қурилган кўшк ва туаржой анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бетакрор меъморий обида “Чодра ҳовли”, яъни хоннинг шаҳардан ташқаридаги дам олиш уйи ҳам меъморчиликнинг санъат асарларидан бири ҳисобланади. (3-илова)

НАТИЖАЛАР

Хоразм меъмор-усталари ушбу иншоот қурилишида “минорасимон” шаклни танлашган. Бунда пастки қаватларнинг баландлигини, бино баландлиги ошган сари камайтириб боришга эътибор беришган. Бинода зилзилабардошликтин таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу бино 4 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда омборхона ва отхона бўлган. Иккинчи ва учинчи қаватлари дам олиш хоналаридан ташкил топган. Тўртинчи қават 2 та “терс айвон” кўринишида қурилган. Чодра ҳовли биносининг режадаги ўлчамлари 16,8 м, баландлиги 20 метр. Биринчи қаватдаги пахсанинг эни – 80 см, тўртинчи қаватдаги синч девор қалинилиги – 40 см¹⁶.

¹⁰ Воронина В.Л., Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Архитектура и градостроительство. 1951, – С 18.

¹¹ Матчонов Б.Г, Саидов М.С. Хоразм меъморлигига турар-жой қурилиш усуллари. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. 2017, №2. – Б. 44.

¹² Воронина В.Л., Узбекское народное жилище. // Советская этнография. – Москва: 1949, № 2. – С. 66.

¹³ Мадаминов М. Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 2009. – Б. 43.

¹⁴ Худайберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент: 2012. – Б. 300.

¹⁵ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. Мазкур кўлёзма фонди. Инв. № 9596. 489 6- варак. Муниров К. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент: Fafur Gulom. 2002. – Б. 165.

¹⁶ Дурдиева Г. Қадимий Хоразм пахса девор меъморий ёдгорликлари. – Хива: 2017. – Б 42.

Имаратнинг сейсмик мустаҳкамлиги маълум даражада юқори қисмининг қандай ечимда бўлишини белгилаб берган.. “Чодра ховли”нинг 3- ва 4- қаватлари синчли қилинган бўлиб, 4-қават “Т” шаклида экани шу билан изоҳланади. Имаратнинг конструктив элементлари тик босим юкинигина эмас, балки, горизонтал юкни ҳам яъни, шамол ва зилзила кучини ҳам қайтаришга мўлжалланган. Шунинг учун бу имарат мажмуининг яхлитлиги, қисмларининг ўзаро бир-бирини қувватловчи тарзда жойлаширилиши вертикал ва горизонтал таъсиirlарни марказий нуқтага тушишига, иштоотнинг турғунлигига хизмат қилган.

Шу билан бирга Хива хонлигига бадавлат кишиларнинг уйлари ҳам асосан синч (нигирик) дан қурилган. Хива шахри “Янги турмуш” МФЙ, Нажмиддин Кубро кўчаси, 47-Б уй жойлашган Иброҳимхўжа (Хива хонлигига бош вазир Исломхўжанинг отаси)нинг уйи ва “Мевастон” МФЙ, Марказ-6 да жойлашган бой савдогарлардан бири Шихназарбойнинг уйлари ҳам кўш синч (нигирик)дан қурилганлигини гувоҳи бўлдик. Шунингдек, Хива хонлигидаги йирик ҳашаматли бинолар қурилишида ва уларни безашда иштирок этган Хоразм нақошлик мактабининг йирик вакилларидан бири Абдулла Болтаев ўз кундаликларида қуйидагиларни ёзib қолдирган:

“1835-1840 йилларда Оллоқулихоннинг катта амалдорларидан бўлган Хасан Мурод қушбеги, Мухаммад Ризо қушбеги, Ота Мурод қушбегилар Хива шахрининг ичкари қалъаси ўрталарида яъни, хон саройи бўлган Кўхна Аркнинг орқа томонидан бу учлари катта жойлар барпо қилғанлар, ҳамма ерлари нигирикдан”¹⁷.

Шу ўринда воҳа қабристонларида сағана қурумларда ҳам уй-жой қурилиши билан боғлиқ архитектура усуллари амал қилиб келган. Қурумлар ранг-баранглиги ва архитектураси билан диққатга сазовор. Улар орасида ер устида қуриладиган сағаналар алоҳида қизикиш туғдирадики, уларнинг аксарияти Хоразмда расм бўлган тураржойларни эслатади. Кишиларда марҳум нариги дунёда ҳам гўё ўз уйидагидек “яшайди” деган инонч мавжуд. Айрим ҳолларда дағи иншоотлари нигирик ва чўпкари (синч) усулида ҳам қурилади. Уларнинг асосида ёғоч ускуналари асосий ўринни эгаллайди. Ёғочлар ораси лой билан хом ғишт ёки кесак қалаб тўлдирилади ва усти текис сувоқ қилинади¹⁸.

Хива туманидаги Рўзим бобо қабристонида синчкор усулда қурилган сағаналар мавжуд. Бироқ улур кўп вақтдан бўён қаровсиз ҳолад қолиб келгани сабали аксари ҳолларда ерга ботиб, хатто юза сатхга сингиб кетганлигини кўриш мумкин (4.1, 4.2-илова). Бу ахвол аҳоли орасида аждодлар хотирасига эътиборсизлак кучайгани билан изоҳланиши мумкин.

ХУЛОСА


Хулоса сифатида шуни айтиш мумкини, архитектура доимо ўтмиш билан узлуксиз боғлиқ ҳолда янгиланаверади. Хоразмда асрлар давомида тажриба асосида ортирилган ўзига ҳос меъморчилик мактаби шаклланган бўлиб, йиллар давомида юзага кела бошлаган янги қурилиш услублари, замонавий қурилиш материалларини афзал билиш майллари, конструктив янгилеклар, маишӣ ҳаёт меъёрларининг ўзгариши тураржой қуриш технологиясига ҳам таъсири кўрсатмоқда. Натижада замонавий бинолар ёз жазирамаларида иссиқ, қишининг совуқ ва рутубатли қунларида заҳ ва совуқ. Замонавий архитекторлар бугунги янгиланишлар давомида анъанавий қурилиш технологияларининг оқилона унсурларидан фойдаланишга қайтсалар воҳанинг нокулай экологик шароитида айни муддао бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

¹⁷ Болтаев А. Хива архитектура коидалари. – Тошкент: Хоразм. 2013, – Б 43.

¹⁸ Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч: 2018, – Б 144.

- 1.Матяқубов Х.Х. Хоразмда пахса-хом ғишт бинокорлиги усуллари ва меъморчиликнинг вужудга келиши масаласи. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент: Илмий тўплам, 2019. – Б 197.
- 2.Болтаев А. Хива архитектура қоидалари. – Тошкент: Хоразм. 2013, – Б 43.
- 3.Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урфодатлари. – Урганч: 2018, – Б 144.
- 4.Худайберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент: 2012. – Б. 300.
- 5.Мухаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. Мазкур қўлёзма фонди. Инв. № 9596. 489 ^б- варак. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент: Фафур Ғулом. 2002. – Б. 165.
- 6.Дурдиева Г. Қадимий Хоразм пахса девор меъморий ёдгорликлари. – Хива: 2017. – Б 42.
- 7.Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. – Тошкент: Ўзбекистон. 2012, – Б 226.
- 8.Матчонов Б.Г. Ўзбекистон турар-жой қурилиш анъаналари. Архитектура, қурилиш, дизайн илмий-амалий журнали. 1-2/2017. – Б 24.
- 9.Воронина В.Л., Народные традиции архитектуры Узбекистана. – Москва: Архитектура и градостроительство. 1951, – С 18.
- 10.Матчонов Б.Г., Саидов М.С. Хоразм меъморлигига турар-жой қурилиш усуллари. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. 2017, №2. – Б. 44.
- 11.Воронина В.Л., Узбекское народное жилище. // Советская этнография. – Москва: 1949, № 2. – С. 66.
- 12.Мадаминов М. Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 2009. – Б. 43.
- 13.Ўролов А, Нозилов Д, Фармонов А, Матьязов С. Қишлоқ уйларини режалаштириш ва қуриш асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994, – Б 23.




1-Илова

1. Пойдевор; 2.Тагсинч; 3. Бози (устун) ва эшик ёндорлари; 4. Сарров (хари); 5. Ховон; 6-7.
Пуштаклар; 7. Эшик (қапы) ўрни



2-илова. Ичанқалъа ҳудудида жойлашган синч (нигирик) уй-жой.



2.1-илова



З-Илова



4.1-илова



4.2-Илова